



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th February, 2025

БАЧАДОНДАН ТАШҚАРИ ҲОМИЛАДОРЛИКНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

Каримова Лобар Содиқовна

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий

маркази Бухоро филиали гинекологи

Аннотация:

Ушбу тезисда бачадондан ташқари ҳомиладорликнинг келиб чиқиши сабаблари, аломатлари, таснифи, хавфли омиллари ва оқибатлари хамда даволаш ва тавсиялари хақида фикр билдирилган.

Калит сўзлар: ҳомила, ташқари ҳомила, уруғ ҳужайра, бачадон найи, кон кетиш, лапароскопия, физиотрапия, клиника.

КИРИШ

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси замонавий тиббиётида аёлларнинг ҳомиладорлиги ва болаларнинг соғлом туғилиши долзарб. Бу борада тинимсиз изланишлар олиб борилиб, касалликларни келиб чиқиш сабаблари аниқланмоқда, муолажа қилинмоқда.

Хозирги кунда аёлларда жинсий аъзолар касаллиги жуда қўпайиб бормоқда, улардан бири бачадондан ташқари ҳомиладорликдир. Касалликнинг сабаблари, аломатлари, таснифи, хавфли омиллари, оқибатларини бартараф этиш масаласида тиббиёт изланишлар олиб борилмоқда. Тиббиётда нормал ҳомиладорлик тухум ҳужайранинг бачадон найларида уруғланиб, етарли ривожланиши учун бачадон бўшлиғи етиб бориб жойлашишига айтилади. Бачадондан ташқари ҳомиладорлик уруғ зигота бачадон бўшлиғига етиб бормаслиги, бачадон найлариинг турли қисмлари, тухумдон, қорин пардаси ёки қорин бўшлиғида уруғланиш содир бўлиши натижасида вужудга келагидиган ҳомиладорликдир.

Бачадондан ташқари ҳомиладорликнинг кўп учрайдиган тури бачадон найларидаги ҳомиладорликдир. Бу ҳомиладорликнинг келиб чиқиш сабаблари: (1-rasm)



E CONF SERIES




International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th February, 2025



1-rasm. Бачадонданташқари ҳомиладорлик белгилари

Ҳомиладорликнинг илк босқичида ташқари ҳомиладорлик, одатий ҳомиладорликдан кўп фарқ қилмайди. Кўнгил айниши, уйқуга мойиллик, иштаҳанинг яхшилиниши, кўкрак сут безларинг ривожланиши ва катталашиши, оғриқларнинг бўлиши каби ҳолатлар кузатилади. Бачадондан ташқари ҳомиладорлик нохуш аломатлари, белгилари, охирги ҳайз кўришдан 3-8 ҳафта ўтгач бошланади.

Аломатлари:

- А) Симмиловчи, тўлғоқсимон ёки кесувчисимон оғриқларнинг бўлиши. Бу оғриқлар қориннинг пастида, қорин бўшлиғида, эпигастрал минтақада ва елкаларда оғриқ бўлиши, қон қуйилганда орқа чиқариш тешиги(анал)да, пешоб чиқиши ва дефикация жараёнида оғриқ кучайиши кузатилади;
- В) Кон кетишлар. Ташқари ҳомиладорликда қон томирларнинг шикастланиши, қорин бўшлиғида қон қуйилиши, прогестерон даражанинг пасайиши оқибатида бачадондан қон кетиши ҳолатлари содир бўлади. Бу ҳолат ҳайз кўришга ўхласада, аммо узокроқ муддат давом этади.
- С) Шокка тушиш. Кўп микдорда қон йўқотиш натижасида беморнинг ҳушини йўқотиши, тери рангининг оқариши, қон босимнинг тушиши, юрак уришининг секинлашиши кузатилади.



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th February, 2025

Бачадон найидаги ҳомиладорлик клиникаси икки босқичда кузатилади.

Биринчиси прогрессив ташқари ҳомиладорлик деб аталиб, унда уруғланган тухум найининг мушак деворларига жойлашиши ва жароҳатланиши билан белгиланиб, жинсий йўллардан ажралма ва суюқлик келишида намоён бўлади. Иккинчиси эса тўхтаган ташқари ҳомиладорлик бўлиб, унинг ўзи икки турга бўлинади.

- Бачадон найида ўсувчи ҳомиладорлик. Бу ҳомиладорликда бачадон найлари деворидан тўлиқ, қисман қўчиши ёки қисман тухум ҳужайранинг қорин бўшлиғига чиқиши, ривожланишини кечга қолиши, қориннинг пастки қисмида кучли оғриқ ва қон кетиши кузатилади.
- Бачадон найидаги узилган ҳомиладорлик. Ҳомила найда 4-6 ҳафталик бўлгандан, баъзан 2-3 ҳафталикда бўлган ёрилиш кузатилади. Най ёрилиши анемизация, хушдан кетиш, бош айланиши, қоринда кучли оғриқ, қон босими пасайиши, ҳолсизлик билан белгиланади.

Ташхислаш

Ташқари ҳомиладорликнинг белгилари ҳайз келишининг узок давом этиши, оғриқлар ва қон кетиш каби ҳолатлар билан ташхисланади. Ҳомиладорлик тестларининг ижобий чиқиши, бачадонда ҳомиладорлик тухумининг йўқлиги, қорин бўшлиғидаги суюқликнинг кўплиги каби диагнозларнинг қўйилишига асос бўлади. Қон таҳлилида ХГЧ концетрацияси ва ултра товушли текширишлар ўtkазиш аниқ ташхис қўйишга хизмат қиласди.

Аниқ белгилари:

- Агар қонда ХГЧ миқдори 1500 мме/мл дан ошса, бачадонда тухум аниқланмаса;
- Агар қонда ХГЧ миқдори 1500 мме/мл дан паст бўлиб, 48 соатдан кейин таҳлилни такорий ўтказиш талаб этилса. Кўрсаткичлар 1,6 мартадан камроқ ўсиши, ХГЧ миқдорининг пастлиги;

Ташқари ҳомилдорик ултра тувушли текширишларда камдан кам ҳолларда аниқланади, асосан беморларда юқорида келтирилган белгилар кузатиши билан ташхисланади.



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th February, 2025

Даволаш

Жарроҳлик йўли. Ҳомила тухуми ёрилиши ёки ички қон кетишларда амалга оширилади.

Кимётерапея. Ҳомиладорликнинг дастлабки даврида препаратлар ёрдамида ҳомила тухумини ривожланиши тўхталади ва сўриб ташланади.

Лапароскопия. Кесиш эмас балки кичик шофлар орқали амалга ошириладиган операция билан даволаш.

Oqibatlari

Бачадондан ташқари ҳомиладорлик бепуштлик ёки такрорий эктопик ҳомиладорликка олиб келиши мумкин.

Соғломлаштириш тадбирлари

Умумий қуватлантирувчи ва физиотрапевтик муолажалар.

5-6 ой давомида соғломлаштирувчи курсларнинг ўтказилиши.

Дори дармонлар билан даволаш (гидротубатцияси, электрофорез)

Санаторий ва курортларга бориши

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Соғлом турмуш тарзига амал қилиб, спорт билан шуғулланиш.

Тўғри ва сифатли овқатлар (таркибида Е, А, В гурӯхли втаминлар ва следерей, гулкарам, анор, балиқ, мева-сабзавотлар, сут маҳсулотлари, творог) истеъмол қилиш.

Шифокор гинеколог кўригида бўлиш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Нажмутдинова Д.К., Юлдашева Д.Ю., Садикова Д.Р., Шодиева Х.Т. “Акушерлик ва гинекологиядаги инновацион амалиётлар”. Ўқув қўлланма. -Тошкент. “RIOTMA” нашриёти. 2019 й
2. Аюпова Ф.М., Гаффорова Й.К. “Гинекология”. Дарслик. - Тошкент. “Мехридарё” нашриёти. 2015 й.
3. Под редакцией В.Е. Радзинского и А.М. Фукса. «Гинекология». Учебник. - Москва. ГОЭТАР-Медиа. 2014 г.